DAVLAT TEST MARKAZI

# COVID-19 пандемиясига қарши курашиш тадбирларини инобатга олиб, 2020/2021 ўқув йили қабулида тест синовларини ташкил этиш

ТОШКЕНТ - 2020

## COVID-19 пандемиясига қарши курашиш тадбирларини инобатга олиб, 2020/2021 ўқув йили қабулида тест синовларини ташкил этиш

# Абитуриент ҳужжатларни топшириш (рўйхатдан ўтиш) муддатлари

2020/2021 ўқув йили қабулида абитуриентлар олий таълим муассасаларининг бакалавриатига рўйхатдан ўтиш **15 июндан 15 июлгача онлайн тарзда** амалга оширилади:

**Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz)**

**Давлат тест марказининг расмий веб-сайти (abitur.dtm.uz)**

**Давлат хизматлари марказлари**

# Ҳужжатларни онлайн топшириш тартиби

Абитуриент **паспорти ва таълим тўғрисидаги ҳужжати (аттестат ёки диплом)**даги маълумотлар асосида **my.gov.uz** ёки **abitur.dtm.uz** сайтлари орқали мустақил равишда уйдан чиқмаган ҳолда, **мобиль телефони** ёки **компьютер** орқали онлайн рўйхатдан ўтади. Рўйхатдан ўтишда тест синовларида иштирок этадиган **ҳудудини ихтиёрий** белгилайди. Шунингдек, тўлдирилган маълумотлар билан танишиб чиқиб, тўғрилигини тасдиқлайди *(агар имтиёзлари бўлса, дастурнинг тегишли бўлими тўлдирилади)*.



# Абитуриентлар учун маълумотлар




Абитуриентлар 2020/2021 ўқув йили қабулида тест синовлари юзасидан амалга оширилаётган янгиликлар ҳақидаги маълумотларни Давлат тест маркази (www.dtm.uz) веб сайтидан билиб олишлари мумкин.

# Тест синовларини ўтказиш

- Абитуриент Давлат тест марказининг веб-сайти (www.dtm.uz) орқали шахсий кабинетидан рухсатномасини **онлайн** олади.
- Рухсатномада белгиланган **сана** ва **вақтда**, ўзи танлаган **ҳудудда** тест синовида иштирок этади.


O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI
DAVLAT TEST MARKAZI

**TOSHPO'LATOVA NASIBA QAMBAR QIZI**

Pasport: **AB4905009** ID: **1882234**
Test topshiradigan hudud: **SAMARQAND VILOYATI**
Test topshiradigan sana: **01.08.2020**
Test sinovi topshirish joyiga kelish vaqti:
Test o'tkaziladigan bino nomi: **SPORTNING O`YIN TURLARI VA YENGIL ATLETIKAGA IXTISOSLASHTIRILGAN BOLALAR O`SMIRLAR SPORT MAKTABI**
Bino manzili: **SAMARQAND SHAHRI RUDAKIY KO`CHASI 243-UY**
Smena: **1** Bino raqami: **2** Guruh raqami: **26**

Ta'lim shakli: **KUNDUZGI** Ta'lim tili: **O'ZBEKCHA**
**Tanlagan oliy ta'lim muassasalari va ta'lim yo'nalishlari ketma-ketligi:**
**1-OTM**
Toshkent davlat pedagogika universiteti
5110900-Pedagogika va psixologiya
**2-OTM**
Samarqand davlat universiteti
5110900-Pedagogika va psixologiya
**3-OTM**
Qarshi davlat universiteti
5111800-Maktabgacha ta'lim

**Test topshiriladigan fanlar:**
1. Ona tili va adabiyoti(2,1) 2. Tarix(1,1) 3. Biologiya(3,1)



- Тест синовлари **июль-август ойларида** Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан белгилаган саналарда **катта сиғимли** биноларда ўтказилади.

## Абитуриентларнинг тест синовлари ўтказиладиган ҳудудга келиши

Абитуриент тест синовида иштирок этиш учун рухсатномасидаги **сана** ва **вақтда**, ўзи танлаган **ҳудудга** кечикмасдан етиб келиши лозим.



# Абитуриентларни тест синови ўтказиладиган ҳудудга киритиш



- Абитуриентлар тест синови ўтказиладиган ҳудудга **дезинфекция тўсиғи** орқали, **ҳарорати** текширилиб, **тиббий ниқоб ва резина қўлқопда** киритилади.




- Абитуриентлар тест синовлари ўтказиладиган бинога **шахсни индентификациялаш** воситалари орқали текширилиб киритилади.



**Худудга киритишда ижтимоий масофа сақланади!**





# ВИДЕОКУЗАТУВ ТИЗИМИ ОРҚАЛИ ТЕСТ СИНОВЛАРИНИ КУЗАТИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ






- Ҳар бир гуруҳ видеокузатув тизими орқали назорат қилиб борилади.
- Барча бинолардаги тест синовларини (**test2020.uz** сайти орқали) **онлайн** кузатиб бориш имконияти яратилади.







# ТЕСТ СИНОВЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИГАН БИНОЛАРНИ ДЕЗИНФЕКЦИЯЛАШ






**Тест синови ўтказиладиган бинолар кунига 4 марта дезинфекция қилинади.**

# Тест топшириқлари сони ва баҳолаш

Тест синовлари абитуриент танлаган бакалавриат таълим йўналишига **мос иккита фандан** ўтказилади. Тест топшириқлари сони ҳар бир фан бўйича **30 тадан**, жами **60 тани** ташкил этади.

| Фанлар номи | Тест топшириқлари сони | Баҳолаш мезонлари | Максимал балл |
|---|---|---|---|
| Бакалавриат таълим йўналишига мос иккита фан бўйича | | | |
| 1-фан | 30 | 3,2 | 96 |
| 2-фан | 30 | 3,1 | 93 |
| **Жами:** | **60** | | **189** |

**Мисол учун**:

- **5240100-Юриспруденция** таълим йўналишида *tарих (3,2 балл)* ва *чет тили (3,1 балл)* фанларидан тест топшириш белгиланган.
- **5120300-Тарих** таълим йўналишида *тарих (3,2 балл)* ва *география (3,1 балл)* фанларидан тест топшириш белгиланган.
- **5510200- Педиатрия иши** таълим йўналишида *биология (3,2 балл)* ва *кимё (3,1 балл)* фанларидан тест топшириш белгиланган.

# Қабул кўрсаткичлари ва тест топшириладиган фанлар таркиби

Олий таълим муассасаларининг бакалавриат **таълим йўналишлари, тиллар кесимида қабул кўрсаткичлари ва тест топшириладиган фанлар мажмуаси:**

Давлат тест маркази (www.dtm.uz);

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (www.edu.uz);

Олий таълим муассасаларининг **веб сайтларида** эълон қилинади.

## Тест синовлари ва танлов натижаларини эълон қилиш

**Абитуриентнинг тест синовидан тўплаган баллари ҳақидаги маълумотни тест синови ўтказилган куннинг эртасига Давлат тест маркази веб сайтида (www.dtm.uz) эълон қилинади.**

**Абитуриентнинг талабаликка тавсия этилгани ёки этилмагани бўйича белгиланган тартибда тасдиқланган танлов натижасини тест синовларини ўтказиш жараёни тўлиқ якунлангандан кейин бир ҳафта муддат ичида Давлат тест маркази веб-сайтида *(mandat.dtm.uz)* эълон қилинади.**

# Апелляция жараёни

- Тест синовлари натижасидан норози бўлган абитуриентлар **21 августдан 30 августгача** Давлат тест марказида ташкил этиладиган апелляция комиссиясига ёзма ёки электрон шаклда апелляция шикоятини бериш ҳуқуқига эга.
- Апелляция комиссияси таркиби Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.
- Абитуриент апелляцияга шахсан ўзи иштирок этади.
- Апелляция комиссиясининг хулосаси тасдиқлаш учун Давлат комиссиясига киритилади.

# Эътиборингиз учун раҳмат!

**Ўзбекистон Республикаси**
**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги**
**Давлат тест маркази**
**2020 йил.**